
Олтиариқ туман “Нуроний” жамғармасы, Нуронийлар жамоатчилиқ Кенгашининг туман аҳолисига М У Р О Ж А А Т И

“Ободонлаштириш ойлиги” тадбирларини туманда юқори савияда ташкил этиш, кенг жамоатчилиқни жалб этиб, хонадон ва кўчаларимизни обод ва кўркем қилиш каби хайрли ишларда фаоллик кўрсатиш бўйича Олтиариқ туман “Нуроний” жамғармасы, Нуронийлар жамоатчилиқ Кенгашининг туман аҳолисига М У Р О Ж А А Т И. Азиз юртдошлар! Нуроний отахон ва онахонлар! Қадрли ёшлар! Президентимиз Ш. Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар юртдошларимизнинг жонажон Ватанимиз келажакига бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Юртимиз ободонлиги, кўчаларимиз кўрки, хонадонларимиз файзини ошириш, бу ишларда кенг жамоатчилиқ иштирокини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 30-июлидан 30-августигача “Ободонлаштириш ойлиги” тадбирлари ташкил этилмоқда. Озодалиқ ва сарамжон-саришталикни рухан поклик, маънан етуклик, фикран янгиланишга интилиш деб таърифлаш мумкин. Хусусан, сўнги йилларда “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурларининг ҳаётимизда кенг тадбиқ этилиши натижасида аҳоли яшаш масканларининг кўриниши буткул ўзгариб, одамларимиз турмуш тарзи, яхшиланиб оилаларда фаровонлик ортиб бормоқда. Эрта сахар туриб, кўча-хавлиларни супуриб-сидириш, ён-атрофга сув сепиш, турли гуллар экиш қайси хонадонга чирой бағишламайди, дейсиз. Бу борада хонадон соҳиб ва соҳибаларига маслаҳат бериш, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиш, яратувчанлик ғояларига ундаш, биз - маҳалла фаоллари, кўпни кўрган, нуроний оқсоқолларнинг энг муҳим вазифамиздур. Унутмаслигимиз лозимки, ободлик бор жойда қут-барақа, доимий ривожланиш ва келажакка ишонч руҳи бўлади. Азиз отахон ва онахонлар! Ўз маҳалладошларимизга намунавий хонадон, намунавий кўча қандай бўлиши кераклиги ҳақида имкон қадар кўпроқ ва кенгроқ маълумот берайлик! Бу йўлда аввало, ўз хонадонларимизни обод қилиш борасида олиб борилаётган амалий ишларимиз, ибратли ташаббусларимиз, чинакам жонкуярлигимиз билан намуна бўлайлик. Хурматли Маҳалла фуқаролар йиғини раислари, ташкилот муассаса раҳбарлари азиз фарзандларимиз! Сизларнинг ҳар бирингиз юртбошимизнинг алоҳида эътирофларига сазовор бўлгансизлар, Олтиариғимизни ижтимоий иқтисодий ривожланишигига ўз хиссангизни қўшиб келмоқдасизлар. Ишонамизки, “Ободонлаштириш ойлиги” давомида Сизлар ўз раҳбарлик салоҳиятларингизни кўрсатиб маҳалла ва кўчаларимизни, ташкилот, муассаса ва корхоналар ҳудудларида ободонлаштириш тадбирларига бош бўласизлар. Чунки қаерда тинчлик-омонлик, сарамжон-саришталик, озодалиқ бўлса, Аллоҳ шу ерга ўз нурини сочиб, барча ишларнинг баракасини беради. Азиз хамюртлар! Ушбу ойлик мобайнида ва ҳар доим ҳам хайрли ва савобли ишларимизнинг давомийлиги фарзандларимизнинг тарбияси ва маънавий дунёқарашини шаклланишида, халқимиз орасида меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик туйғулари мустаҳкамланишига пойдевор бўлиб хизмат қилсин! Барчамиз ообдлик ва поклик ишларида фаол бўлайлик! Олтиариқ туман “Нуроний” жамғармасы, Нуронийлар жамоатчилиқ кенгаши.

2023-07-26 17:37:25